Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 129 (3630)
8 ПАЙШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

РАЙОН КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Чилонзор район комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари ВЛКСМ XVIII съезди якунларини ва район комсомол ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов доклад қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Бошқа ишга ўтиши муносабати билан В. М. Бутирин Чилонзор район комсомол комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. И. Г. Яковлев район комсомол комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленумда Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов сўзга чиқди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Швеция короли Карл XVI Густав ҳазрат олийлари ва қироличa Сильвия ҳазрат олиялари 7 июнь куни расмий визит билан Москвага келдилар.

Швеция ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида олий мартабали меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча Иваново шаҳри ва области меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишишни давом эттирди.

А. Н. Косигин СССР 50 йиллиги номидаги Фурманов йигирув-тўқув фабрикасини бориб кўрди. Шуя районидаги Арсений номли колхозда ерларни маданийлаштиришга доир комплекс тадбирлар билан танишди. Шунингдек В. И. Ленин ҳайкалига, Революция курашчилари ҳайкалига ва Талка дарёси бўйидаги ёдгорлик комплексига гуллар қўйди.

Шарҳчи сатрлари

Сурбетларча аралашув

Хитойда ўтган ойнинг охиридан буён Вьетнам Социалистик Республикасига қарши кенг кўламда пропаганда кампанияси олиб борилмоқда. Хитой миллатига мансуб бўлган муҳожирларнинг Вьетнамдан кўплаб кочиб кетаётганлиги тўғрисида Хитой маъмурлари иғвогарлик мақсадида тарқатган уйдирмалар бунинг учун бир баҳона бўлди.

Матбуот, радио ва телевидение Вьетнамда яшовчи хитойларнинг аҳволини кун сайин «жуда фожиали» қилиб тасвирламоқда. Вьетнамдаги хитойларга қарши «қилинаётган ваҳшийликлар» ҳақида чиқариш мўлжалланаётган фильмларнинг биринчиси мамлакат экранларида пайдо бўлди. Бу кампания Вьетнам халқига нисбатан миллий адоват, Вьетнам ва Хитой халқлари ўртасида душманлик туйғуларини авж олдиришга қаратилган.

Пекин шундай ҳаракат қилаётганлигининг боиси нима?

Бунинг боиси шуки, ягона ва мустақил Вьетнамнинг вужудга келиши Хитой раҳбарларининг дидига ёқмади. Улар ягона ва қудратли Вьетнамни Осиёдаги, жумладан, Жанубий-Шарқий Осиёдаги шовинистик-гегемонлик режаларига таҳдид қилаётган хавф, деб билмоқдалар.

Пекин Социалистик Вьетнамнинг позицияларига путур етказиш учун Кампучия маъмурларининг Вьетнам чегарасидаги агрессив уруш ҳаракатларидан ва Вьетнам Социалистик Республикасида хитойлик муҳожирларнинг «бешинчи колонна» деб ҳисобланган қисмидан фойдаланди. Кампучия Вьетнам чегарасида агрессив уруш ҳаракатларини бошлаб юбориши биланоқ Пекиннинг агентлари Вьетнамдаги хитойлик муҳожирлар ўртасида «Пекин Кампучияни қўллаб-қувватлаётган экан, Хитой билан Вьетнам ўртасида тез орада уруш бошланади, шу сабабли хитойлар Вьетнамдан чиқиб кетишлари керак» деган овозаларни тарқатдилар. Бундан ташқари ана шу агентлар «ХХР ҳукумати ватанга қайтиб келишга даъват этмоқда ва ватанига қайтиб келмайдиган хитойларни хоин деб ҳисоблайди» деган гаплар билан хитойлик муҳожирларга дўқ-пўписа қила бошладилар.

Чет эл мухбирларининг Пекин ва Ханойдан хабар беришича, Пекин раҳбарлари Вьетнам Социалистик Республикасига иқтисодий ёрдамни кескин суръатда камайтирганлар, ўзининг техник мутахассисларини чақириб олганлар, Вьетнам— Хитой чегарасида иғвогарлик пропаганда кампаниясини авж олдириб юборганлар. Пекин ВСР бундай тазйиқга бардош беролмайди ва ўз сиёсатини Хитойнинг антисоциалистик сиёсатига бўйсундиради, деб умид қилди.

Ҳозирги вақтда Хитойнинг Вьетнамга қарши кучайтириб юборган кампанияси Вьетнам Социалистик Республикаси учун ҳар қандай иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтириш, Вьетнамда социализм позицияларини заифлаштиришга уринишдир.

Вьетнам Коммунистик партияси, Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати икки ўртада рўй берган муаммони ҳал этиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Улар шу мақсадда жумладан, Пекинда ҳар икки мамлакатлар ҳукуматлари вакилларининг учрашувини уюштиришни таклиф қилдилар. Хитой ҳозирча бу таклифга жавоб бергани йўқ, Хитой бу масаланинг ҳал этилишидан манфаатдор ҳам эмас ва бунинг аксича, Вьетнамга қарши кампанияни тобора авж олдиришга интилаётганлигини фактлар яққол кўрсатиб турибди.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ УЛУШИ

Йиллик план— муддатидан илгари

Ўзбекистон пойтахти индустрияси ходимлари беш йилликнинг учинчи йилидаги давлат планини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мажбуриятларини амалга ошира бориб, 26 майда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Бу саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларига 1978 йил январь-май ойлари планини маҳсулот реализация қилиш бўйича 103.0 процент адо этиш имконини берди. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 102.8 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106.6 процент бўлди. меҳнат унумдорлиги эса 1977 йилнинг январь-май ойлари билан солиштирганда 4.8 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига ўсиши 77.3 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат топширигини шаҳарнинг барча районлари ва саноат корхоналари бажардилар.

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ БЎЙИЧА ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАНАДИ:

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ	Реализация бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда)			1978 йилнинг январь—май ойларида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши процентларда
	1978 йил январь — май	ойларида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	
Шаҳар бўйича	103,1	103,0	109,3	106,6	104,8	111,7
Киров районн	103,3	104,1	105,2	105,2	103,5	114,6
Куйбишев районн	101,7	101,9	101,9	103,9	102.3	109,9
Ленин районн	103,2	103,0	107,0	108,3	108,2	115,9
Октябрь районн	104,1	104,0	107,5	105,7	102,7	109,5
Собир Раҳимов районн*	103,8	103,0	106,4	107,1	104,4	93,5
Сергели районн	102,5	102,6	102,9	105,1	103,3	103,3
Фрунзе районн	101,6	101,6	100,8	101,4	103,8	101,9
Чилонзор районн	104,3	104,1	108,1	108,5	105,3	118,4
Ҳамза районн	103,9	103,7	124,6	110,2	106,7	117,6

*) Собир Раҳимов районида январь-май ойларида муқобил план ҳисобига қўшимча реализация қилинган маҳсулот 1 миллион сўмни ташкил этди.

Беш ой мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 34 миллион 90 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Киров районн 3824 минг сўмлик, Куйбишев районн 3664 минг сўмлик, Ленин районн 3573 минг сўмлик, Октябрь районн 2602 минг сўмлик. Собир Раҳимов районн 2535 минг сўмлик. Сергели районн 1497 минг сўмлик, Фрунзе районн 2125 минг сўмлик, Чилонзор районн 2511 минг сўмлик, Ҳамза районн 11759 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот реализация қилдилар.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда трактор, «Ташэлектромаш», лак-бўёқ, электрон-техника, газ аппаратуралари, «Узбексельмаш», агрегат, химия-фармацевт и к а заводлари: тажриба ипак-йигирув, Тошкент ўйинчоқлар, упаэлик фабрикалари, абразив, сут, қурилиш материаллари саноати, ёғ-мой комбинатлари ва бошқа корхоналар юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар ўзларининг мажбуриятдаги шартномаларини бажариб, муҳим халқ хўжалиги буюмларининг белгиланган номенклатурада ишлаб чиқариш бўйича топшириқларини муваффақиятли уддаладилар.

Меҳнат календарида июнь— ҳал қилувчи ой. 1978 йилнинг биринчи ярми яхши якунланиши мана шу ойда юксак самарали меҳнат қилишимизга боғлиқ. Ҳамма ички резервларни ишга солиш, қолоқларсиз ишлаш, ишлаб чиқаришнинг асосий фондларидан тўла фойдаланиш эвазига белгиланган топшириқларнинг муваффақиятли адо этилишини таъминлаш зарур.

Корхонага диплом

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективига Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришганликлари учун СССР давлат стандарти ва ВЦСПС нинг дипломи топширилди.

Ҳозирги пайтда корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг олти хилига фахрли беш қиррали марка босилмоқда. Булар пахта далалари ва боғларга химиявий дори-дармонлар пуркайдиган машина, ғўза чувийдиган машинага ўрнатиладиган электропривод ва бошқа техника воситаларидир. Шу йилнинг ўзида Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 35 процентга етказилади.

Бирлашма коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини янги техника воситалари билан қуроллантириш, илғор методларни қўллаш, социалистик мусобақани намунали йўлга қўйиш натижасида бундай ютуққа эришмоқда.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Кўн-мўйна заводи коллективи 4.354 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб. беш ойлик планни муддатидан илгари адо этди. Бу ерда планга қўшимча 280 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилишга эришилди. Корхонада оз маблағ ва куч сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашда шуба ва мўйна цехлари коллективлари пешқадамлик қилишяпти.

Ишчилар ўртасида СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада бичувчилар Шукур Зоҳидов, Валентина Ларионова, тикувчи-мотористка Муаззам Исмоилова намуна бўлишяпти. Бу ишчиларнинг иккиси ҳозир ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига ишлашяпти. Муаззам Исломова эса шахсий беш йиллик топшириғини муваффақиятли адо этиб, ҳозир 1981 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти.

Давримизнинг муҳим воқеаси

КЕЧА

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига Тошкент шаҳри ва пойтахт области комсомолларининг вакиллари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, олимлар, пенсионерлар тўпландилар. Бу ерда ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Давримизнинг муҳим асарлари бўлган бу китобларга бағишланган конференцияни Тошкент область комсомол комитети ва область «Билим» жамияти ташкилоти ўтказди.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов конференцияни кириш сўзи билан очди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссарининг ўринбосари Т. Х. Аҳмадхўжаев, Кичик ерда бўлиб ўтган жангларнинг қатнашчиси, 18-армиянинг собиқ лектори Е. М. Блок, шу армиядаги 176-Қизил байроқли дивизия 591-полкининг командири, истеъфодаги полковник С. Н. Насруллаев, Ленин район комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Х. Шукурова, ВЛКСМнинг XVIII съезди делегати, 71-мактаб ўқитувчиси Э. Солиҳова ва бошқалар иккала асар юзасидан докладлар қилдилар.

Конференция охирида «Коммунист ҳақида қисса» фильми намойиш этилди.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

МУҲИМ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

•МЕТРОСОЗЛАР СУРЪАТНИ ОШИРЯПТИ

•ПРОХОДКА ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

«Ташметрострой» трести 2-қурилиш монтаж бошқармасидаги К. Т. Виноградов бригадаси 7-шахта билан «Ҳамид Олимжон» станциялари оралиғидаги чап тоннелда проходка ишларини ниҳоясига етказди.

Бу Тошкент ер ости қасри 2-участкасини бунёд этишга киришилгандан буён метросозлар қўлга киритган дастлабки меҳнат ғалабасидир. Кеча проходкачилар тоннелни «Ҳамид Олимжон» станцияси билан бирлаштириш ишларини ниҳоясига етказдилар.

РЕПОРТАЖ

...Биз ўзимизни худди Кривбасс кўмир шахталаридан бирининг дарвозаси олдида тургандек ҳис қилардик. Бу ерда гул кўтариб олган пионерлар, қурилиш раҳбарлари тантана бўлишини кутишмоқда. Фақат бетон тўсиқдан қандайдир бир неча метр узоқликдаги масофадан ўтиб бораётган автомобиль ва автобусларнинг овозларигина бизни Тошкентда, шаҳар марказида — Я. Колос ва Пушкин кўчалари кесишадиган чорраҳада турганлигимизни эслатиб турарди.

Худди шу ерга 1977 йилнинг биринчи ноябридан бошлаб шу кунга қадар ер ости қасрини бунёд этишда иштирок этаётган «Ташметрострой» даги энг яхши бригада бошлиқларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Константин Тимофеевич Виноградовни кутиб олиш учун одамлар тўпланишди.

Ўтган йилнинг биринчи ноябридан Ново-Московская ва Пушкин кўчалари кесишадиган чорраҳадан иккинчи участканинг «Ҳамид Олимжон» станциясига томон проходка ишлари бошлаб юборилди. Бригаданинг 58 аъзоси бир неча звенога бўлиниб иш олиб борди. Улар яқин келажакда «яшил экспресс»лар қатнайдиган ер ости йўлни ҳозирлашга муваффақ бўлдилар. Кучли болғалар ва блок ўрнатиш ускуналари ёрдамида 595 погон метр узунликдаги участкада проходка ишлар олиб борилди. Дастлабки кунданоқ коллектив ветеранлари М. Қаршиев, В. Бутусов, Н. Зиборов, С. Вишеславцев ва бошқалар зарбдор меҳнат намунасини кўрсатдилар. Уларнинг тиришқоқлиги ва маҳоратлари туфайли смена топшириқлари ошириб бажарила бошланди. Ҳар сменада пландаги 75 погон метр ўрнига 85 метр масофада қазиш ишлари амалга оширилди.

Коллектив метрополитен биринчи участкаси қурилиши вақтида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланди. Ҳар ҳолда улар «СССР 50 йиллиги» ва «Ҳамза», «Октябрь инқилоби» станцияларида ер ости қазиш ишларини амалга оширган эдилар. Метрополитеннинг 2-участкаси қурилишида иш фронти анча кенгайди. Проходкачилар қазиш ишларини перегонни синовга тайёрлаш ва йўлнинг ер устки қисмини қуриш билан қўшиб олиб боришмоқда.

Жуда катта ҳажмдаги монтаж ишлари амалга оширилди. 528 погон метр тоннель темир-бетон билан қопланди. 67 погон метрда эса чўян жиҳозлар ўрнатилди. Ҳаммаси бўлиб 14 минг куб метрдан зиёд тупроқ қазиб олинди.

Мана, проходка ишлари ниҳоясига етди. Тоннелни станция билан туташтириш планда белгиланганидан бир ой олдин бажарилди. Бу бригаданинг катта муваффақиятидир.

Шу боисдан ҳам проходкачиларни пионерлар шоду хуррамлик билан кутиб олишяпти. Шу боисдан ҳам К. Виноградов бригадаси ишчиларининг юзларида табассум балқиб турибди.

— Биринчи туташтириш — биринчи рекорд! — дейди «Ташметрострой» трестининг бошқарувчи Павел Васильевич Семёнов. — Йигитларга тасанно! Улар ишни жуда яхши бошлашди!

— Бу ҳақиқатдан ҳам катта ишнинг бошланиши, — дея йигилганларни ишонтирди К. Т. Виноградов. — биз шахтадан станциягача бўлган масофадаги ўнг томон тоннелда проходка ишларини амалга оширишимиз лозим. Участканинг узунлиги биринчи участка узунлигига тенг. Аммо ишонтириб айтишимиз мумкинми, проходка ишларини бажариш муддатини анча қисқартирамиз. Сўзимиз қатъий. албатта унинг уддасидан чиқамиз!

В. ЭНКЕР.

СУРАТЛАРДА: гул кўтарган қаҳрамон проходкачилар; бригада ишчилари забойдан юқорига кўтарилишмоқда; метросозлар бригадири К. Т. Виноградов.

Автор фотолари.

ЁШ ҲУНАРМАНДГА ОҚ ЙЎЛ!

БУГУН

тўқимачилик комбинатининг катта коллективи сафига яна 500 ёш ҳунар эгаси қўшилди. Улар шаҳримиздаги ўрта мактабларнинг 8 ва 9-синф ўқувчиларидир.

Бу ёшлар шаҳримизнинг турли районларидаги касб ўрганиш марказларида тўқимачиликнинг ўзига хос сирларини эгаллашган. Эндиликда улар синфларда олган билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида дастгоҳлар ёнидан жой олдилар.

Комбинатнинг комсомол комитети ёзги каникулдан фойдаланиб ишлаш иштиёқида келган ёшларга қатор шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Ёш ҳунар эгалари корхонанинг машҳур тўқимачилари Дилбар Қулматова, Люба Хегай, Зина Ҳайдарова сингари илғорлари бошлиқ бригадаларга бириктириб қўйилди.

О. ЗАГРУДИНОВА.

◎ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЎН ИККИТАГА КЎПАЙДИ

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 2-маршрутли такси хизмат кўрсатиш корхонаси шофёрлари аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб ҳар куни 18 маршрут бўйлаб 25 мингга яқин йўловчи хизматида бўлишмоқда.

Ҳозир корхонада Ригада ишлаб чиқарилган ва ўн икки пассажирга мўлжалланган қулай автобуслар сони кўпайиб бормоқда. Яқинда Ригадан РАФ—2203 маркадаги машиналардан ўн иккитаси келтирилди. Бу автобуслар олдинги РАФ—972 маркали машиналарга нисбатан жуда қулай бўлиб ҳозир 9, 17, 12, 19, 10, 13-маршрутлардаги йўловчилар хизматига чиқарилди.

Илмий—назарий конференция

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти «Халқлар дўстлиги» халқ университетининг илмий-назарий конференцияси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишланди.

Конференция халқ университетининг ректори Н. К. Жонтемировнинг «КПССнинг ленинча миллий сиёсати — Совет жамияти интернационал бирлигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омилидир» мавзуидаги кириш сўзи билан очилди.

Конференцияда халқ университетининг актив тингловчиларидан инглиз тили факультетининг иккинчи курс студентлари И. Креймер ва Н. Амохина «Халқлар дўстлиги ва интернационализм ҳақида», француз тили факультетининг тўртинчи курс студентлари Ҳ. Ҳамроева ва Г. Айматова «СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида халқлар дўстлиги ва интернационализми ғоялари» мавзуларидаги докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Шундан сўнг фалсафа фанлари кандидати, доцент М. И. Сангиловнинг «Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари ҳақидаги сермазмун доклади тингланди.

С. РИЗАЕВ.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИГИ

Гастроль қизғин ўтмоқда

Мажид Ғафурий номли бошқирд академик драма театрининг Тошкентдаги гастроллари қизғин ўтмоқда. Қардош ўлканинг санъаткорлари спектакллар кўрсатиш билан бирга корхоналарда, маданият муассасаларида томошабинлар билан учрашувлар ҳам ўтказмоқдалар.

БУГУН

Ўзбекистон ССР театр жамиятининг актёрлар уйида Бошқирдистон театр санъати усталари билан Ўзбекистон санъаткорларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бунда қардошларимиз репертуаридан ўрин олган саҳна асарларининг баркамоллиги, уларнинг ҳозирги даврнинг талабларига жавоб бериши, театр санъатининг ривожланиб бораётганлиги ҳақида гап борди.

Бошқирдистон театрининг намояндалари трактор заводининг маданият саройида ҳам бўлдилар. Бу ерда машинасозлар билан бўлган учрашувда театрнинг бош режиссёри, Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган артист Л. В. Велиев театр коллективининг босиб ўтган ижодий йўли, кейинги пайтларда саҳналаштирилган асарларнинг умумий моҳияти, Тошкент гастролидан коллективнинг олган таассуроти ҳақида гапириб берди.

САҲНАДА ҲАВАСКОР АРТИСТЛАР

Тошкентдаги Округ офицерлар уйининг саҳнасида А. Вампилов пьесаси асосида яратилган «Ака» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Режиссёр Л. Яковлева раҳбарлигида Темирйўлчилар маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари уни саҳналаштирдилар.

Бу коллектив тўрт йил муқаддам ташкил этилган эди. Темирйўлчи ишчи, студентлар ана шу коллективнинг аъзоларидир. Улар ишдан ва ўқишдан бўш вақтларида саҳна санъати билан шуғулланадилар. Янги спектакль — ҳаваскор артистлар репертуарида тўртинчисидир.

(ЎзТАГ).

Конструкторлар — қишлоққа

• ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

БОҒБОН ТАЯНЧИ

Ўзбекистонда боғдорчилик билан қадим-қадим замонлардан бери шуғулланиб келишади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Фарғона водийсида бундан 2,5 минг йил илгари ҳам узум ўстирилган экан. Соҳибкор меҳнати завқли ва сермашаққат. Боғ тинмай парваришлашни, эрта баҳордан кеч кузгача кунт ва сабот билан меҳнат қилишни талаб этади. Аммо яқин-яқин вақтларгача ҳам соҳибкорларнинг тоққайчи ва тешадан бошқа дурустроқ иш қуроли йўқ эди.

Бугунги кунда эса партия ва ҳукумат пахтакор, ғаллакор, чорвадор меҳнати қатори дастурхонимиз кўрки бўлган олма-ю, анорларни, ширин-шакар узумларни етиштираётган соҳибкорлар меҳнатини ҳам енгиллаштириш, уларни зарур техника воситалари билан таъминлашни муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Республикамизда бу вазифани Бутуниттифоқ «Союзмаштехкультур» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ўрта Осиёдаги боғлар ва узумзорлар ҳамда полизчилик учун машиналар бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси коллективи бажармоқда. Бу коллектив илмий муассасалар, жумладан Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти, йирик боғдорчилик хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги олимлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб боряпти.

— 1969 йилда иш бошлаганимизда на бир дурустроқ моддий-техник базага, на тажрибали мутахассис кадрларга эга эдик,— дейди конструкторлик бюроси бошлиғи Борис Григорьевич Волков. — Дастлабки пайтда бу соҳанинг истиқболига унча ишонқирамаган кишилар ҳам бўлди. Аммо коллективимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мададини, эътиборини мунтазам сезиб турди. Шунинг учун ҳам ташкилий даврдаги қийинчиликлар тезда ортда қолиб, самарали ишлашимиз учун қулай шароит юзага келди.

Конструкторлик бюросининг 400 кишилик коллективи машиналарни яратиш, синашдан ташқари, уларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Бу ердаги завод 1974 йилда дастлабки маҳсулотини берганди. Шундан бери соҳибкор ва полизчиларнинг 1,5 миллион сўмлик буюртмасини бажарди. Бу йил коллектив 1 миллион сўмлик буюм тайёрламоқчи.

Кейинги пайтларда боғдорчиликдаги меҳнатни механизациялаш даражасининг пастлиги маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатишдан ташқари, бу тармоқнинг пропорционал ривожланишига ҳам халақит бера бошлади. Жумладан, узум етиштирадиган кўпгина хўжаликлар кўп меҳнат талаб қиладиган магизбоп, дастурхонбоп узум навларини камайтириб, камташвишли винобоп узум навларини кўпайтиришни афзал билишяпти

Полизчиликда ҳам шунга ўхшаш аҳвол рўй беряпти. Айниқса, пахтакор хўжаликларда полиз маҳсулотлари етиштиришга учинчи даражали иш деб қараш натижасида ажойиб қовун-тарвуз навлари камайиб, уларнинг сифати пасайиб кетяпти. Конструкторлар ўз фаолиятларида республика боғдорчилиги ва полизчилигида юзага келган бу муаммоларга эътибор беришяпти.

Конструкторлик бюроси бош инженери Павел Яковлевич Резников билан заводнинг тайёр маҳсулотлар майдонини кўздан кечирдик. Мана, «МВП-1» маркали машина. У токларни кўмиш ва очишда, қатор ораларига ишлов беришда ишлатилади. Аммо бу ажойиб машинанинг битта «лекин»и бор у кўмилган токни ярим очади, тўла очса зангларни шикастлаши мумкин. Ишнинг «чаласи»ни ғилдиракли тракторларга осиб ишлатиладиган «ОВП-046» маркали пневматик машина бажаради. У «МВП-1» машинаси изидан юриб токларни кучли ҳаво босими ёрдамида ростмана очади.

— Ҳозир «Узсельхозтехника» республика бирлашмасидаги ўртоқлар бу машиналаримизни жон деб олишяпти, мамнуният билан изоҳ берди Павел Яковлевич. Булар билан бир соатда икки гектар майдондаги токни очиш мумкин.

Конструкторлар яратган контейнерлар мевани йиғиш, териш, ташиш ва сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг зиҳи металл каркасдан, ёнлари, ости тирқишли тахтадан иборат бўлиб, биттасига 350 килограмм мева сиғади. Контейнерларни учдан бир, учдан икки қисми тўлганида панжара тагликлар қўйилади. Ёнлари ва ости тирқишли. Ичи қават-қават эканлиги ва узумни анча вақт уринтирмай сақлаш учун қулай шароит яратади. Бундан ташқари контейнерлар мевани омборга ташиш, савдо тармоқларига тарқатишни тўла механизациялаштириш имконини беради.

Контейнерларни ташиш учун тракторга тиркаб ишлатиладиган ўзи туширадиган прицеп яратилди. Бунда тракторчи контейнерларни боғ оралаб турли жойларга қўйиб чиқади. Улар мевага тўлдирилгандан кейин погрузчик ёрдамида яна прицепга ортилади. Конструктор М. А. Ройтбурд бошлиқ бўлим ходимлари томонидан яратилган бу агрегат ва контейнердан фойдаланиш мева ва узумни йиғишда меҳнат унумдорлигини 6,8 баравар ошириш имконини беради.

Тайёр маҳсулотлар майдонида «НЮ-19» маркали узум ва анжир экадиган, «СБУ-2-4» маркали полиз экинларини экадиган сеялкаларни ҳам кўрдик. СБУ-2-4 сеялкасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда қовун ва тарвузларнинг турли нав уруғларини экиш учун керак бўладиган учта алмаштириладиган диска бор. Янги агрегат ёрдамида уч гектар майдонга бир соат мобайнида қовун, тарвуз, ҳандалак уруғини экиш мумкин. Бу сеялка ўтган йили «Бўзсув» ва «Целинник» совхозларида синалганда яхши натижа берди. Бу йил корхона республика хўжаликларига шу сеялкадан 300 та тайёрлаб беради.

Конструкторлар яратган, давлат синовидан муваффақиятли ўтган машиналар орасида анор тупини кўмадиган, полиз учун жўяк оладиган, узилган қовун-тарвузни йиғадиган, ишкомга синч қоқадиган машиналар ҳам бор. Узилган қовун-тарвузни йиғадиган — оддий ғилдиракли тракторларга тиркаб ишлатиладиган агрегат билан бир соатда 20 гектар майдондаги ҳосилни йиғиб-териб олиш мумкин.

Конструкторлик бюроси коллективи келаси беш йилликда маҳсулот ҳажмини беш баравар ошириб, йилига беш миллион сўмликка етказади. Шу мақсадда ҳозир заводнинг эски корпуси ёнида қуввати ҳозиргидан икки ярим баравар юқори бўлган янги корпус қурилиши лойиҳалаштириляпти. Тайёрланаётган машиналар тури хилма-хил бўлишини инобатга олиб, коллектив корхонада универсал станок ва мосламаларни кўпайтиришга, ишлаб чиқаришда маневр қилиш имкониятларини оширишга ҳаракат қиляпти.

Республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатининг янги тармоғи ҳозир дастлабки қадамларини қўймоқда. Келгусида у гуркираб ривожланиб, соҳибкор ва деҳқоннинг катта таянчига айланади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

• *Беш йиллик вахтасида*

Меҳнат календарида 1980 йил

Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига олган юксак план-топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Коллектив ваъдага вафо қилиш учун биринчи навбатда ўзаро социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдирмоқда. Цехлараро бошланган мусобақада эса дўппи цехи ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Цехнинг гул тушириш участкаси аъзолари бу борада айниқса самарали ютуқларни қўлга киритишаётир. Бу участкада иккита комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилади. Бу ҳар иккала бригаданинг барча маҳсулоти Давлат Сифат белгиси билан чиқарилади. Марҳабо Ҳожиева ва Сожида Абдазҳожиевалар раҳбарлик қилишаётган бу бригада ишчиларининг кўпчилиги 1980 йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бригада пешқадамлари орасида «Беш йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз» шиори остида ишлаётганлар сони тобора ортиб боряпти.

— Сафимизда ўз касбининг усталари бўлган кўплаб коммунистлар меҳнат қилишади. Уларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш илғорларидир, — дейди бригада бошлиғи М. Ҳожиева.

Иккала пешқадам бригада бир-бири билан мусобақадош. Биринчи квартал якуни бўйича М. Ҳожиева бош бўлган коллектив биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу коллектив аъзоси Холида Расулова эса социалистик мусобақа ғолиби. Ҳозир бу илғор чевар 1980 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Ёқут Ғуломова ҳам ўз дугонасидан орқада қолаётгани йўқ. У вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилиб яхши ютуқларни қўлга киритмоқда. Шунинг билан бирга бу пешқадам ишчи ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир. Ҳозир унинг шогирдлари ўндан ошиб кетди. Эндиликда уларнинг кўпчилиги пешқадамлар сафидан ўрин олишган.

Комсомол аъзоси Раҳима Саидазимованинг корхонага ишга келганига эндигина 4 йил бўлди. Шу қисқа вақт мобайнида у ўз касб сирларини кунт билан эгаллаб олди. Ҳозир бу илғор ишчи ҳам вақтдан ўзган ҳолда ишлаб 1980 йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда. У беш йиллик шахсий план-топшириқларини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олган. Муқаддас Ғуломова ва Саноат Ғиёсовалар Р. Саидазимовадан гул тикиш сирларини ўрганишган. Бу ёшлар ҳамиша ўз устозларидан мамнундирлар.

Харидорлар талабини қондиришдек муҳим вазифани ўз олдига асосий масала қилиб олган дўппи цехининг гул тушириш участкаси чеварлари бугун-эртагидан, эртага-бугунгидан баракали ишлашга ҳаракат қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) комсомол аъзоси Комила Жўраевани иш устида кўриб турибсиз. Пастдаги суратда эса гул тушириш участкасининг пешқадам ишчиси Муҳайё Тошмуҳамедова тасвирланган. У смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этади.

Х. Мирзакаримов фотолари.

Жонажон Ватанимизда

Сабзавот конвейери

Сахалин областининг аҳолиси ташиб келтирилган сабзавот билан эмас, балки оролнинг ўзида етиштирилган картошка, карам, лавлаги ва сабзи билан тўла-тўкис таъминланди.

Сахалин ва Курил оролларининг деҳқонлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларини бажара бориб, бошқа муҳим вазифани ҳал қилишга — полиз экинларининг турини кўпайтиришга киришдилар.

Сахалин деҳқонлари патиссон, майда ошқовоқ сингари сабзавот экинларини етиштиришни ўрганиб олдилар. Бодринг ва помидор етиштириш анча қийин бўлмоқда. Сахалин шароитида бундай сабзавот ёпиқ тупроқдагина пишиб етилади. Бундай экинларни асосан жанубий Сахалин теплица комбинати етказиб бермоқда. Комбинатнинг парник хўжалиги 60 минг квадрат метрни ташкил этади. Яқин йиллар мобайнида унинг майдонини уч баравар кенгайтириш мўлжалланмоқда. Областда иссиқ сув билан ишлайдиган биринчи теплица комбинати қурилмоқда.

Техника шай

Республикада кечки экинларни экиш тугай деб қолди, ремонтчилар эса ўрим-йиғим техникаси тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Колхозлар, совхозларнинг устахоналаридан, «Сельхозтехника» бирлашмасининг ихтисослаштирилган корхоналаридан ҳозиргача қарийб 50 мингта ғалла комбайни ремонт қилиб чиқарилди. Машина-механизмларни 1978 йилги дала ишларига яхши тайёрлашни таъминлаш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари — Одесса областининг механизаторлари ана шундай машиналарни ҳосил ўрим-йиғимига тайёрлашни биринчи бўлиб тугалладилар.

Ремонт сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Агрегатларни технология жиҳатидан созлаш ташкил қилинган, махсус комиссиялар агрегатларни синчиклаб кўздан кечирадилар.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН

ШАХСИЙ МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

Бирлашмамиз ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили биринчи кварталида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш топшириқларини ортиғи билан бажариб, Киров район корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқди ва район партия комитети, район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Колхоз ва совхозларга квартал планида белгиланганидан анча кўп сеялка, подбор терадиган, кўрак чувийдиган ва тупроққа гербицид сочадиган агрегатлар юборилди. Коллективимиз бу муваффақиятга Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан маъқулланган янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси асосида социалистик мусобақани кенг жорий этиш, корхонанинг барча цехларида ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда бўлишини таъминлаш, илғор иш усулларини кенг ёйиш орқали эришмоқда. Цех партия ташкилотлари янгийўлликлар ташаббусини корхона аҳли орасида кенг тушунтирмоқдалар. Ҳозирги кунда ҳар бир цех, участка, бригада кунлик, смена планларини тўла бажариш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган резервларни излаб топмоқдалар. Барча цехларда кўргазма доскалари ташкил этилиб, уларда кунлик, суткалик, ойлик план графикларининг ўсиши кўрсатилиб берилмоқда. «Молния»да илғор ишчилар ҳам, қолоқлар ҳам мунтазам ёритилиб турилади. Бу усул анча қўл келяпти, қолоқлар камаймоқда. Сафимизда қолоқларнинг камайиб боришида мураббийларнинг ҳам улушлари салмоқли. Мана бир мисол. Ўтган йил бошида ёш ишчилар орасида ойлик планларини бажараолмаганлар сони 60 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони атиги 15 та холос. Айни кунларда цех партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари асосий эътиборни илғор ишчилар ва коммунистларнинг авангардлик ролини янада оширишга, ишнинг барча участкаларда бир текис кетиши учун илғорларни қолоқ участкаларга ўтказишга эътибор бермоқдалар.

Заводимизда тайёрланаётган қишлоқ хўжалик машиналарида ҳозирги кунда бир қисм деталлар пластмассалардан тайёрланяпти. Бунда завод инженер-техниклари, конструкторлик бюроси ходимлари намуна бўлишяпти. Улар пластмассадан деталь тайёрланадиган участканинг қувватини янада оширишни тавсия этдилар. Бу участка илгари бирлашмага зарур бўлган миқдорда деталлар тайёрлаб бериш қувватига эга эмасди. Инженер-техник ходимларнинг таклифи билан бошқа участкалардан тажрибали ишчилар ва коммунистларни бу участкага ўтказилди, алоҳида партия группаси ташкил этилди. Бу группага коммунист ёш ишчи Г. Сосин бошлиқ қилиб тайинланди.

Эндиликда пластмасса участкасида ишчан, қовушган коллектив юзага келди деса бўлади. 1976 йилда бу ерда пластмассадан 270 тонна деталь тайёрланган бўлса, 1978 йилда бу кўрсаткич 387 тоннани ташкил этди.

Бирлашмамиз ишлаб чиқариш кучлари йилдан-йилга ўсмоқда. Шу боисдан инженер-техник ходимларимиз ёш мутахассисларга ўз касбларини мукаммал ўзлаштиришларида, олган социалистик мусобақа шартларини бажаришларида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Орамизда оз бўлсада иш графигига таъсир этувчи тартиббузарлар ҳам учраб туради. Буларни тартибга чақиришда партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари тарбиянинг ҳамма воситаларидан фойдаланишяпти.

Бугунги кунда бирлашмамизда «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори кенг оммалашди.

Кўп миллатли корхонамиз аҳли бир оиладек меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг 90 проценти шахсий социалистик мажбурият олишган. Уларнинг кўпчилиги йиллик планларини муддатидан илгари — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи янги Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдалар. Барча совет кишилари каби биз ишчилар ҳам ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик машиналаримиз — кўрак чувиш, чигит экиш, подбор териш машиналаримиз янада сифатли, серунум, дала меҳнаткашлари учун манзур бўлишлиги учун барча имкониятлардан фойдаланиб ишлайверамиз.

Ў. ШЕРБОЕВ,

«Узбексельмаш» бирлашмаси 4-механика йиғув цехи фрезерчиси, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери.

● ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

ПОТОКДАГИ МЕЛИОРАЦИЯ

«Узновгородводстрой» трести «Тошкент-1» махсус кўчма механизация колоннасининг мелиораторлари Новгород область Шимск районидаги колхоз ва совхозларга ёпиқ дренаж йўли билан захи қочирилган яна 400 гектар ерни тантанали вазиятда топширдилар. Ишларнинг сифати яхши ва аъло баҳоланди. Бу сафар тажрибали механизатор А. Митурич бошчилик қилаётган скрейперчилар бригадаси қурилиш қаҳрамони бўлди. У ўз ўртоқлари билан бирга «Волна революции» совхозининг зах қочириш системасига бориладиган кўчалар ва шох йўлларга тупроқ уйиш ишлари билан шуғулланиб, май ойи планини 170 процент бажарди ва шу тариқа 120 гектарлик участкани муддатидан илгари ишга туширишга имкон берди. Ғаллакорлар бу ерга дарҳол озуқабоп экинлар уруғини ташлашди.

Ўзбекистон вакиллари Новгород деҳқонларига катта ёрдам бермоқдалар. Мана шу «Тошкент—1» механизация колоннасининг коллективини олайлик. Уч йил муқаддам Шимск район маркази билан Медведь қишлоғи ўртасидаги Псков тош йўлининг ўн беш километрлик бўлаги атрофини ботқоқлик ўрмон қоплаб ётарди. Энди бўлса йўлнинг ҳар икки тарафидаги сал кам икки километрлик полосани ўзбекистонлик мелиораторлар серҳосил экинзорга айлантиришди. Трестда биринчи бўлиб ана шу механизация колоннасида жорий этилган поток система бу муваффақиятга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Унинг моҳияти— машина-механизмларни энг муҳим соҳаларга жамлашдан иборат. Биринчи тайёрлов участкасига бир чўмичли экскаваторлар, бульдозерлар ва кундаков механизмлари берилган. Улар магистрал ва ташлама каналлар қурадилар, дарахт ва буталарнинг илдизларини суғуриб ташлайдилар. Иккинчи участка нуқул зовур ишлари билан банд, учинчи участка эса йўллар кесишадиган жойлардан қувур ўтказади, очиқ каналларнинг соҳилларини шиббалайди, ерни ҳайдаб, мола босади, далаларни текислайди — хуллас, объектларни топшириш учун тайёрлайди. Меҳнатни ана шундай ташкил этиш механизаторларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширибгина қолмай, техникадан фойдаланишни кескин яхшилаш имконини ҳам берди, ҳатто бирон бир агрегат бузилиб қолган тақдирда ҳам машина-механизмларни муайян участкага ана шундай тўплаш иш суръатига деярли таъсир қилмайди. Шунинг натижасида, масалан, кўп чўмичли экскаваторларнинг кўпчилик машинистлари ҳар куни 800 — 900 метр ёпиқ дренаж ётқизмоқдалар. Г. Прохоров, С. Рижий, Н. Афанасьев, Н. Талидонов ва бошқа улар, сингари мирришкорлар эса кунлик нормани 1600 — 1800 метрга етказдилар. Ана шу ишларнинг якуни сифатида май ойи программаси 140 процент бажарилди.

[ТАСС].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Узбексельмаш» корхонаси коллективи пахтакорларимиз учун турли хил машиналарни тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: янги тайёрланган кўсак чувиш «УПХ — 1,5«В» маркали машиналар. Ҳозир корхона коллективи янги сериядаги шу машиналарни кўплаб ишлаб чиқармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

СЕРМАҲСУЛ БЎЛДИ

Ўзбекистоннинг жануби — ғарбий қисмидаги тошли нефть конида 35 та қудуқнинг ҳаммаси ҳар куни илгаригита қараганда 15 процент кўп нефть бера бошлади. «Каршинефть» ва газ қазиш бошқармасининг коллективи қатлам босимининг «стимулятори» сифатида одатдаги сувдан ташқари газдан ҳам фойдаланиш ҳисобига шундай кўрсаткичга эришди. Нефть конидан сал нарида топилган газ қувур орқали қатламнинг юқори қисмига ўтмоқда. Бу нарса унинг босимини оширади ва қудуқларнинг маҳсулотини кўпайтиради.

ЎзТАГ.

Тошкент оқшомида босилгандан кейин

«ҚОРОНҒИДА ТУРТИНИБ»

Газетада юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Марказ— 27 да чироқ йўқлиги танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармаси бу масалада чора кўришни район уй-жой бошқармаси эътиборига ҳавола этди.

«ЧОРА КЎРИЛДИ»

Киров районидаги Отчопар, Собир Раҳимов районидаги Бирлик ҳамда Чувалачи маҳаллаларида кейинги вақтларда санитария ҳолатига эътиборсизлик билан қаралаётгани газета материалларидан бирида танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов ва Киров районларининг «Автодормехбаза»ларнинг бошлиқлари Н. Здрайковский ва С. Жонбоевлар қаттиқ огоҳлантирилган. Ахлатни кўчалардан қатъий график бўйича олиб кетиш юзасидан назорат ўрнатилган.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КУРИЛДИ

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида «Тоҳир ва Зуҳра» хўжалик ҳисобидаги магазинда айрим сотувчиларнинг харидорлар билан қўпол муомалада бўлишлари танқид қилинган эди.

Магазиндан олинган жавобда улар коллектив ўртасида муҳокама этилгани, харидорга нисбатан қўпол муомалада бўлган сотувчилар Ш. Йисломова ва З. Дадахўжаеваларга виговор берилгани маълум қилинган. Шунингдек З. Дадахўжаева мукофотдан ҳам маҳрум этилган. Ишга назоратни сусайтиргани учун секция бошлиғи К. Муҳаммедов қаттиқ огоҳлантирилди. Аҳолига савдо хизматини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Жаҳон ойнаси

ПОРТ ЮБИЛЕЙИ

СОФИЯ. Бургас порти причалига биринчи кема лангар ташлаганига 75 йил тўлди. Ҳозир порт энг замонавий техника билан жиҳозланган. Юк ортиш ва тушириш ишлари автоматлаштирилган. Бу ерда ҳар йили 1.600 кеманинг юки туширилади ва юк ортилади.

Болгария ташқи савдо юкларининг 40 процентдан кўпроғи шу порт орқали ўтади. Совет Иттифоқи билан товар айирбошлашнинг 40 проценти ана шу ерда амалга оширилади. Совет денгизчилари Бургасда энг азиз меҳмонлардир.

ЗАИРНИНГ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШУВНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

ПАРИЖ. АҚШ ўзининг НАТОдаги иттифоқчилари билан биргалашиб Заирнинг ички ишларига тобора чуқурроқ аралашмоқда. НАТО мамлакатларидан Шабага ҳарбий материаллар ортилган самолётлар ҳамон кўплаб қатнамоқда. АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг «С — 141» катта ҳарбий-транспорт самолётларида марокашлик бир ярим минг солдат Заирга юборилмоқда. Улар Франция ва Бельгия парашютчиларига қўшиладилар. 1977 йил баҳорида Заирда бўлиб ўтган биринчи қўзғолон вақтида Мароқашнинг Шабадаги экспедицион корпусига қўмондонлик қилган Лубарис Марокаш қўшинларига бошчилик қилмоқда.

Заир президенти Мобуту Франция ва Марокашга қисқа муддатли сафар қилиб қайтгандан кейин асосан немис миллатига мансуб шахслардан иборат Франция ажнабий легиони ҳали ҳам Заирда турибди деб айтди Бельгиянинг 600 кишидан иборат кучайтирилган армияси ҳам шу ерда. Уларнинг ҳаммаси Шабада истиқомат қилаётган европалик аҳолини «тинчлантириш» деган кулгили баҳона билан номаълум вақтгача «сақланиб қолмоқда». Ўша Мобутунинг сўзига қараганда, Шаба вилоятида аҳвол бутунлай нормал изга тушган. Бельгия маъмурлари шу вилоятнинг барча энг муҳим стратегик пунктларини оккупация қилиш тўғрисида ўз қўшинларига буйруқ бердилар.

Мобуту игвогарлик мақсадида айтганидек гўё «Россия — Куба иттифоқи» томонидан хавф остида қолган давлатлардан қўшимча равишда қўшинлар юборилишига эришишга уриниб кўрди.

У Францияда музокаралар олиб борган вақтда Колвезидаги француз парашютчилари ўрнига Франция, АҚШ, Бельгия, Швейцария, Англиядан ёлланган солдатларни юбориш тўғрисида келишиб олинди. Жами 800 кишидан иборат мана шу ёлланган кучлар «жекамин» конруда компанияси фаолиятининг «хавфсизлигини таъминлаб туриши» керак. Бу солдатлар Заирнинг Париждаги элчихонаси орқали ёлланмоқда. Франция ёлланганларни тайёрлаш учун ўз инструкторларини юборишга розилик билдирди.

Бу ердаги доиралар шу фактларга ўз режимининг барқарорлигига ишонмаган Мобуту ички характердаги воқеаларни халқаро майдонга кўчиришни истайди, деб баҳо бермоқдалар. У ўз даъволарини исбот этиш учун бирон бир далилга эга бўлмаган ҳолда «совет хавфи» деган миси чиққан уйдирмаларни ишлата бошлади. Ҳолбуки, Заир территориясида битта ҳам совет солдати бўлмаганлиги ва йўқлигини у яхши билади.

Заирнинг ўзида ажнабий босқинчилар ва ҳукумат қўшинларининг ҳаракатига нисбатан қаҳр-ғазаб тобора кўпаймоқда. Киншасанинг африкаликлар яшайдиган кварталларидан бирида Заир қўшинлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Заирнинг Эрондаги элчиси Мбека Макоссо Ғарбнинг Заир ички ишларига ҳарбий аралашувига қарши норозилик юзасидан истеъфо берди. Шаба проблемаси, деб таъкидлади у, ички сиёсий проблемадир ва у сиёсий йўл билан ҳал этилиши керак. Ажнабий давлатларнинг тўғридан-тўғри ҳарбий аралашуви бу проблемани янада чуқурлаштиради, холос.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ф. ЮНУСМЕТОВ: Тошкентда юридик техникуми очилган экан. Бу техникумга 10-синфни тугаллагандан сўнг ўқишга кириш мумкинми? У ерда қандай ихтисосликдаги мутахассислар тайёрланади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг Тошкентдаги юридик техникуми дастлабки ёшларни ўқишга қабул қилди. Мактабларни битирган ёшлар, конкурсдан муваффақиятли ўтган ёш ишлаб чиқарувчилар бу техникумнинг дастлабки ўқувчилари бўлишди. Техникум ўрта малакадаги юристларни: суд мажлислари секретарларини, суд ижрочиларини, нотариуслар, юстиция муассасаларининг консультантларини тайёрлайди. Техникумни битириб чиққанлар, шунингдек маҳаллий Советларнинг аппаратларида, шаҳар хўжалигининг юридик хўжалиги соҳаларида ишлашлари мумкин.

* * *

Н. ФОЗИЛОВА: Мен бу йил 10-синфни тугаллаганимдан сўнг бортпроводниклиги касбини эгалламоқчи эдим. Бу орзумга қандай қилиб эришсам бўлади?

Жавоб: Тошкент авиа корхонаси қошида ўқув курслари мавжуд бўлиб бунда бўлғуси бортпроводниклар тайёрланади. Сиз ана шу ўқув курсларига кирмоқчи экансиз бунинг учун кадрлар бўлимига мурожаат қилинг. 99-84-07 рақамли телефонга қўнғироқ қилсангиз ўқув курсларига қабул шартлари тўғрисидаги тегишли маълумотларга эга бўласиз.

* * *

М. ХУШНАЗАРОВ: Шаҳримизда стулларни ремонтдан чиқарадиган устахона борми?

Жавоб: Маиший жиҳозлар ва мебеллар комбинати бундай юмушларни бажаради. Бу комбинат Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси 288-уйда жойлашган. У ерга 42 ва 43-автобуслар билан борилади. Буюртмаларни телефонлар орқали ҳам бериш мумкин. Сиз 48-35-26 рақамли телефонига қўнғироқ қилсангиз навбатчи диспетчер буюртмангизни қабул қилиб олади ва уйингизга қай пайтда усталар боришини Сизга маълум қилади. Ремонт ишлари уйининг ўзида бажариб берилади.

* * *

А. ҒАЙБУЛЛАЕВ: Шаҳримизда пойафзалларни тезлик билан ремонтдан чиқариб берадиган устахоналар бор экан. Иложи бўлса шуларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Пойафзалларни тезлик билан ремонтдан чиқариб берадиган устахона «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйида жойлашган. Бу маиший хизмат кўрсатиш уйи Полторацкий кўчаси 29-уйда жойлашган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Агар «Ташсельмаш» заводининг токари Владимир Пожарницкийдан олти ёшли қизинг Ольгани севасанми, деб сўрашса, албатта ижобий жавоб олинади. Лекин бу сўзда. Амалда-чи? Амалда Пожарницкий кеч соат ўнларда ярим стакан ароқ ичиб олиб, шундан кейин ўзининг ИЖ-Юпитер маркали 98—32 ТНА номерли мотоциклининг бензин баки устига қизини ўтказиб, кўчага равона бўлди. Лисунов кўчасидан кетаётганда ароқ ўз ҳунарини кўрсатди. У атрофига бефарқ бўлиб қолди, натижада В. Филатов бошқариб келаётган ГАЗ—69 маркали 46—46 ТНГ автомобили билан тўқнашди.

Тўқнашув натижасида В. Пожарницкий билан қизи шикастланишди.

МЕҲРИБОН МУРАББИЯ

Ота-оналар ўз фарзандларини боғчадаги меҳрибон тарбиячиларга ишонч билан топшириб, хизматга хотиржам кетадилар. Собир Раҳимов районидаги 271-болалар боғчасида кичкинтойлар ана шундай меҳр-муҳаббат билан тарбилланмоқда. Моҳир тарбиячи Нина Николаевна Руденко йигирма йилга яқин мураббийлик қилиб, ота-оналарнинг иззат-ҳурматларига сазовор бўлган.

СУРАТДА: катта группа тарбиячиси Н. Руденко бахтиёрлар даврасида.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ОДАМИЙЛИК — УМР ЗИЙНАТИ

ЮРАК МЕҲРИ

Инсоннинг қадрига етиш —бу, энг аввало уни тушуна олиш, қалбини кўриб, кўнглини қувонтира олиш, инсонни бахтиёр қилиб, қайғусини қисқартириш ва шодлигини узайтира олишдир. Инсон қадр-қиммати самимий муносабатда, ширин суҳбатда, беғараз ҳурматда, садоқатда ва оқибатда намоён бўлади.

Суҳбатда гапнинг оҳанги кишининг ҳолатини, оз бўлса-да, унинг сизга бўлган муносабатини билдиради. Шунчаки айтилган гап ҳеч қачон одамда ҳаяжон уйғотмайди, уни тўлқинлантирмайди, бошқаларни ўзига мафтун қила олмайди. Самимий, сидқидилдан гапириш учун юрак ҳарорати, илиқ меҳр, сўз сеҳри керак. Шунинг учун одам сўзни юрак билан кўради, меҳр билан тинглайди. Яхшиликни, доимо одамларнинг бир-бирларига бўлган инсоний ҳурматини, одамийликни инсон доимо қалбида эркалаб, ардоқлаб, эъзозлаб келади. Буларнинг бари одамлар бирлигини мустаҳкамлайди, жипслайди.

Кўнгил нозик: қалтис, ножўя, ўйламасдан айтилган сўз уни бир онда синдириши мумкин. Одамлар ҳақидаги таассуротлар ичида инсон ҳаётида абадий қоладиган хотира — одамга қўйилган беғараз меҳр оқибатида вужудга келган ҳурмат ва унинг акси — киши нафсониятини оёқ ости қилиб уюштирилган ғаразли ният туфайли қилинган сохта туҳмат ва ноҳақликдир.

Эзгу ният, эзгу ҳис, орзу билан сенинг қалб оламингда софлик, поклик ва ҳақиқат яшарди. Лекин сенга қилинган пасткашликни кўриб нафратланганингда, ўзингни бўшлиққа, ҳеч кимга кераксиз одамдек ҳис этган чоғингда қалбингни яхши, камтар, сахий ва олижаноб инсонлар тўлғизади. Уларнинг меҳри яшаш мазмунини ойдинлаштиради. Яхшилар ҳам кўп. Бир кишини деб барчани унутиш керакмас. Инсон учун энг муҳими ҳақиқатни виждонан тан олишдир. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, дейдилар-ку!

ЭРКАК ЭРКАКДЕК БЎЛСА...

Яқинда танишимиз қўш карнай, қўш сурнай билан дабдабали тўй қилиб ўғил уйлантирди. Микрофондан маҳаллаға таралган куй-қўшиқ, бахт тилаб айтилган қутловлар тонггача тинмади. Ёш келин-куёв бахтли бўлиб кетишармикан? Азиз оқшомхон, бу саволим балки сизни ўйлантириб қўяр? Лекин, начора. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида кўп гапирамиз. Аммо ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифасини ҳам инкор этиб бўлмайди. Доно халқимиз, ота-онанинг вазифаси, энг аввало болага яхши исм қўйиш, унинг ҳунар ўрганиши, илм олиши учун шарт-шароит яратиш, сўнг уйли-жойли қилишдир, дейди.

Афсуски, танишим иккинчи вазифани адо этмай, учинчисига ўтиб кетди. Бола айни ҳунар ўрганадиган ёшда. У ўн саккизга кирганди. Керагидан ортиқча берилган эрк, пул болани жиноят кўчасига етаклашига оз қолди. Уни бир амаллаб қутқариб қолишди. Зора қуйилса, деган «яхши ният» билан бир қизга уйлантиришди.

Бу ерда ота-онанинг хатти-ҳаракати хусусида тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Бу ўзи бошқа масала. Мен икки оғиз йигитлик шаъни ҳақида сўзламоқчиман. Бола ҳеч қаерда ишламайди, ўқимайди ҳам. Келин эса ҳозир отпускада. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас ота-онамни кўриб келаман деса, йигит йўлкирага пулни ота-онасидан сўрайдими? Эрта-индин келин (у фабрикада тикувчи бўлиб ишлайди) ишга ҳам тушар. Уйга, эрининг хонадонига эшикдан тўртта нон кўтариб келади. Йигит–чи, йигит?! Эҳтимол, улар келажакда фарзандлик ҳам бўлишар. Ўшанда ҳам ўзи ота бўла туриб, чақалоқнинг арзимаган эҳтиёжи учун отасидан пул сўраса, йигитлик ори келмасмикин?

Йигит кишининг ҳам йигитлик ғурури, ор-номуси бўлгани яхши.

ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК — МАРДНИНГ ИШИ

Ҳур, эркин замонда яшаяпмиз. Бизда аёллар қадрланади, ҳар соҳада эркаклар билан тенг. Бироқ аёлларнинг ўз аёллик бурчи, оилада мавқеи борки, буни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди. Оилада у аввало аёлдир, рўзғорнинг саранжом-сариштаси, хонадон фариштаси. Болаларга меҳрибон она, эрга вафодор ёрдир.

Қайнана, қайната кўнглини хушловчи, оқила келин хонадон файзидир. Аёлнинг аёллиги оналик, бекалик фазилатлари, оиладаги кишиларга, эрига, қайната-қайнанасига, фарзандларига қилган муомаласида намоён бўлади.

Афсуски, айрим аёллар эрни эр ўрнида кўрмайдилар. Ўзлари гўё ўқиган — маданиятли аёл-у, эрлари «оми», маданиятсиз, «ишчи» эмиш. Савол туғилади: эр танлаётганда бу «нозанин»лар нимани ўйлашган экан?!

Х. исмли аёл куёвни ўзи кўриб, ёқтириб турмуш қурди. Ҳеч нима уни мажбур қилмади. Келишган, соддагина йигит. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Х. хоним ўзини-ўзи эплаб олди. Ўқишни ҳам тугатди. Тўғриси, эри, қолаверса, шу уйдагиларнинг кўмаги бўлмаганда институтни битириши гумон эди. Мана, энди ишлаб, ўзига яраша обрў орттирганда айнади-қолди. Очиғи, ғурур балосига учради. Ўзига бахт истаган яқинларини менсимай қўйди. Нонкўрликка борди. Эрни ҳа деганда саводсиз, кийимларингдан бензин ҳиди келади, деб камситаверди. Охири, кўнглини қолдирди. Уйга кеккайиб кириб, кеккайиб чиқаверди. Гўё унинг олдида ҳамма гуноҳкор. Эрнинг тоқати тоқ бўлди. Ажралай деса, ўртада фарзанд. Боши қотган.

Шунча йил туз ичган хонадонга, яқинларига оқибат шуми? Умид билан сизга уйланган эрга ҳурмат, вафодорлик шуми? Оила олдидаги аёллик бурчингизни, оналигингизни унутдингизми? Одамда ор-номус, виждон бор-ку? Одамлар нима дейишаркан, қандай баҳо беришаркин бу қилмишингизга?

Эрни хўрлаш, катталарга беҳурматлик, бола-чақа қадрини билмаслик, бунчалик кеккайиш не учун керак? Кексалар ибораси билан айтганда, бу тўқликка-шўхликнинг ўзи. Бу ҳолда бахтингиздан ажралиб қолишингиз турган гап. Кечиктирмай улардан узр сўранг, меҳр-оқибатли бўлинг. Сиз ҳам онасиз, умид билан фарзанд ўстиряпсиз. Халқимизда «ҳар ким экканини ўради» деган гап бор. Ана шу нақлни бир ўйлаб кўринг-а. Бундай оилаларда тарбия топаётган қизлар бўлса-чи? Албатта, онанинг ёмон ибрати қиз болага ўтади. Ёшлигидан беҳаё, бетга чопарликка одатланади, молпараст бўлади. Ҳай-ҳай, бу нохушликнинг олдини олмоқ даркор. Яхшилар айтадилар-ку: одами бўлмас ҳеч ким, то қадр билмагунча.

Демоқчимизки, ҳар бир киши ўз хатти-ҳаракатини тарозига солиб, «Менинг шу ишимга ёки хулқимга одамлар нима деркин?» —деган андиша билан иш тутса, албатта, фойдадан холи бўлмас. Шу ўринда ўқув залида содир бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Ҳамма мутолаага берилган. Пашша учса эшитилгудек жимжитлик. Шу пайт орқадан келган ғўнғир-ғўнғир товушлар хаёлимни бўлди. Фикримни бир нуқтага тўплашга уринаман, бўлмасди. Орқамга ўгирилиб қарадим. Икки дугона ёнма-ён ўтиришибди. Бемалол овоз чиқариб гапиришиб, кулишарди, гўё залда ўзларидан бўлак кимса йўқ. Шунда ёнимдаги студент қиз ҳалиги беандишаларга танбеҳ бериш ниятида:

— Илтимос, дугонажонлар, халақит беряпсизлар, агар иложи бўлса...— деб сўзини тугатганича ҳам йўқ эди, улардан бири жеркиб:

— Ҳа, бизнинг оғзимизга хўжайинмисиз, ишингизни билинг!— деса бўладими. Кутилмаган гапни эшитиб, бирам қизча изза бўлдики, кўзини қаерга яширишни билмай жовдираб қолди. «Безбетлик ҳам шунчалик бўладими».— дедим ўзимга ўзим. Ўтирганларга аста кўз қиримни ташладим. Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалганди. Охири кишилар нафратига дош беролмаган икки дугона зални ташлаб, бирин-кетин чиқиб кетишди.

Мана, кўрдингизми, орамизда қандай сурбет, бефаросат ёшлар ҳам учрайди. Бу қизлар эрта-индин ўқитувчи — тарбиячи бўладилар. Бундайларга бефарқ бўлиш, менингча, жамият олдидаги ахлоқий жавобгарлигимизни сезмаслигимиздир. Уларга жамоатчилик таъсирини ўтказайлик, танбеҳ берайлик. Бу, бизнинг жамият олдида, коллектив олдидаги, ўз виждонимиз олдидаги бурчимиздир.

Ойшахон ТУРАЕВА,

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати.

ОРАСТА БУЛИНГ

Юз парвариши

Ҳурматли редакция! Юз териси қуруқ бўлса, уни қандай парвариш қилиш керак. Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

Шарипа ОДИЛОВА, уй бекаси.

Юз териси қуруқ аёллар тухум сариғи, асал ва ёғдан тайёрланган маскани қўллашлари мумкин. Тухум сариғи, бир чой қошиқ асал бир ош қошиғи пахта ёғи билан қориштирилади. Бу маска юзда 20—30 минут тутиб турилгач, сув билан ювилади.

Витаминли маскалар ҳамма учун фойдалидир. Бундай маскани қулупнай, бодринг, хамиртурушдан тайёрланади. Бу маҳсулотлардан бирини олиб, хамиртуруш билан қориштирилади ва юзга суртиб 20—30 минут тутиб турилади, сўнг совуқ сув билан ювиб, билинар-билинмас упа суртилади.

Салқи ва кавакчалари билиниб турадиган юзга шифобахш кўкатлардан тайёрланган маска қўйиш жуда яхши. Бу маска қуйидагича тайёрланади: ялпиз, укроп, мойчечак, атир гул япроғини бирон идишга солиб, устидан қайноқ сув қуйиб дамланади (Майдаланган бир қошиқ қоришмага тўла бир пиёла қайноқ сув қуйилади). Дамланган бирикмангиз илиқ ҳолга келганда юзга суртиб, устидан унинг сувига ҳўлланган докани ёпасиз ва 20—30 минут тутасиз. Сўнг илиқ сув билан юзингизни ювасиз.

МОСКВА. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари выставкасида маданий, маиший ва спорт буюмларининг 20-республикалараро улгуржи савдо ярмаркаси очилди. Савдо ташкилотларига тавсия этилаётган буюмларнинг аксарияти янги маҳсулотлар.

СУРАТЛАРДА: чапда — автомобилларга тиркаш учун мўлжалланган прицеплар (йиғилган ҳолда). Улар 270 килограммгача юк кўтаради; ўнгда — енгил металлдан тайёрланган «Ерш» эшкакли қайиғи.

ТАСС фотохроникаси.

ФАН ВА ТЕХНИКА: ИЗЛАНИШЛАР, КАШФИЁТЛАР

ИССИҚ СУВ РЕЗЕРВЛАРИ

Қозоғистон Фанлар академияси гидрогеология ва гидрофизика институтининг олимлари республика территориясида ер бағридан чиқувчи иссиқ сув оқимларини топдилар. Манғишлоқ яқинида, Еттисувда ва бошқа бир қанча районларда шундай манбалар бор экан. Қизилқум чўли территориясининг юзигина эмас, қаъри ҳам ҳақиқатда иссиқ бўлиб чиқди. Бу ерда қазилган бир ярим километрлик қудуқларда ҳарорати 60— 80 градусгача борадиган жинслар учраб туради.

Қозоғистон харитасига халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли юксак температурали ер ости суви бўлган 8 та регионал структура туширилди. Иссиқ сув манбалари 500 метрдан 5000 метргача чуқурликда. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили Қарағанда ҳавзаси билан Экибастуз ҳавзасини қўшиб ҳисоблаганда олинадиган жами тошкўмир ёққанчалик иссиқлик олиш мумкин экан.

Қозоғистон территориясида ер бағридаги иссиқ сув оқимларини ўрганиш натижалари геотермал электр станциялар ва комбинатларни лойиҳаловчи мутахассисларга берилди.

В. ГАНЖА,
ТАСС мухбири.

●

Прибор танлаб беради

Лаборатория столи ёнида 3 киши турибди. Уларнинг олдида турган чоғроқ прибор бир-бирига уланган. Эксперимент қатнашчиларининг вазифаси битта: приборларнинг дастагини айлантираётиб, уларнинг корпусига монтаж қилинган микро-амперметрларнинг стрелкалари белгиланган чизиқда тўхташига эришмоқдан иборат. Лекин ундай қилиш осон эмас. Хатти-ҳаракат мутлақ бир-бирига мос келганидагина шу мақсадга эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, синалаётган кишиларнинг бир-бирларига руҳий мослиги тўла бўлиши керак.

Бу сафар уч ёш баскетболчи синовдан ўтказилди. Улар топшириқни бажаришга минимум вақт сарфладилар ва имтиҳон олувчилар уларни командадаги идеал жўралар деб танишди.

Кишинев педагогика институти спорт ўйинлари кафедрасининг катта лаборанти В. Карпов ишлаб чиққан установка группа қатнашчиларининг бир-бирларига мослигини шундай аниқлаб беради. Унинг иши СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари выставкасининг медалига сазовор бўлди.

Гомеостат деб аталувчи шундай приборлар ёрдами билан (грек тилида «бирдай ҳолат» деган маънони билдиради) Қутб экспедицияларини, метеорологик бригадаларни альпинистлар отрядини комплектласа бўлади.

М. МАТЮПАТЕНКО,
ТАСС мухбири.

Владимир ЧВАНОВ

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Белецкий шу тариқа жиноятчилар орасига кириб қолди ва Москванинг Волоколамск шоссесидаги магазинлардан бирига ўғирликка тушишда қатнашди. Лекин улар тезда қўлга тушишди, бу табиий эди. Жиноятчилар тўдаси фош қилиниб, қўлга олинди. Белецкий бошқалар қаторида суд қилиниб, тегишли жазосини олди.

...Юранинг қутбчилар мактабидаги ўқиши бўлиниб қолди, бу Юра учун катта кўнгилсизлик, йирик талафот эди. Унинг руҳан эзилаётганини кўрган баъзи бир нопок одамлар Белецкийни ўз таъсирларига олишга ҳаракат қилдилар, унда текинхўрлик нашъу намосига иштиёқ уйғотишди. Ўсмир уларнинг бу тузоғига ҳам илинди, у прогулчига айланди, ижтимоий фойдали меҳнатдан қочадиган бўлиб қолди. Юрий Белецкийдаги бу ўзгариш ундаги ишонч ва эътиқоднинг натижаси эмас, балки ҳаётга енгилтаклик билан қарашнинг, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган бетайин, бебурд одамларга кўр-кўрона тақлид қилишнинг шунчаки бир кўриниши, ифодаси эди.

Аслида ҳалол, меҳнаткаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган ота-онанинг олижаноблиги, совет мактабидаги тарбия Юранинг қалбига яхшилик нишоналари кейинчалик ундаги ҳамма носоғлом, нобоп нарсалардан ғолиб келди.

Бир неча ой муқаддам Юрий Белецкий бизнинг коллективимизга келиб қўшилди. Бу ерда участка бошлиғи ва унинг ўринбосарлари Белецкийга меҳрибонлик қилишди. Ҳамма гапини диққат билан эшитишди-да, Юрийни механизаторлар бригадасига киритиб қўйишди. Станокда ишлаш Белецкийни қизиқтириб қолди, у қунт билан ишлади, слесарлик касбини эгаллади.

Механизаторлар бригадасидаги уюшқоқлик, аҳиллик ва юксак интизом Юрийни қайноқ меҳнат қўйнига олиб кирди. Улар ғайрат-шижоатлари, ишнинг кўзини чуқур билишлари, шахсий намуналари, яхши маслаҳатлари билан Юрадаги нуқсон ва иллатларини йўқотиб, ўрнига унда яхши фазилатларни уйғотишга кўмаклашдилар.

Юрий Белецкий ёмон йўлдан аста-секин, лекин узил-кесил қайта бошлади, ҳаёт завқи, маъноси меҳнатда эканлигини у кундан-кунга кўпроқ ҳис қила бошлади. Унда янги туйғулар, янги интилишлар пайдо бўлди, энди у бугунги кун муваффақиятлари билан қаноатланиб қолмай, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш иштиёқи билан яшаётган одамларга тақлид қила бошлади.

Энди Белецкий мусобақанинг актив иштирокчиси, илғор ишчи, кундалик нормасини 150 процент ва ундан ҳам ошириб бажармоқда.

Юрий ишдан бўш вақтларида китоб ўқийди, сиёсий маориф уйига тез-тез бориб туради, мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволи билан қизиқади, сиёсий суҳбат ва докладларни тинглайди, қишлоқни ободонлаштириш тадбирларида иштирок этади, жамоат тартибини сақлаш совети кенгаши ишларига актив ёрдам беради.

П. ГУСКОВ.
(иккинчи бўлим)».

* * *

Бу мақолада ёзилган гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Юрий Белецкий чиндан ҳам «ўзига тўқ оиланинг, яхши ота-онанинг фарзанди» эди, қутбчилар тайёрлайдиган курсда ўқирди, колонияга тушганидан кейин илғор ишчи бўлди, кундалик нормасини 150 процент ва ундан ҳам ошириб бажарди. Буларнинг ҳаммаси тўғри.

У белгиланган режимни сира бузмасди, «фойдали тадбирларда» актив иштирок этарди, кейин маълум бўлишича, у ўзи ҳақида газетада мақола босилиб чиқишини жуда-жуда истаган экан.

У мақоланинг иккинчи нусхаси ота-онасининг қўлига тегиши биланоқ уларнинг ҳамма тадбирларни ишга солишларини олдиндан биларди. Ҳамма иш у ўйлагандай бўлди, мақола жуда қўл келди. (Юрий Белецкийнинг уйидан келган посилкани иккинчи бўлимдаги П. Гуськов билан баҳам кўриши бежиз эмасди. У Гуськовнинг тузала бошлаган одамлар ҳақида тез-тез ёзиб туришини биларди).

Хуллас, Юра ўйлагандек, унинг ҳақидаги, қайта тарбияланишнинг машаққатли йўлида у эришган ютуқлар, қўйган дадил қадамлари тўғрисидаги мақола Белецкийларнинг қўлига келиб тушди.

Ота-онаси, ниҳоят, ўғлимиз Юрий эс-ҳушини йиғиб олибди, деб хурсанд бўлишди. Тўғри, у катта жиноят қилди, лекин унинг ёшлигини, ёмон одамлар таъсирига берилганини, энг муҳими ўз айбига иқрор бўлганини инобатга олиш керак-ку. Бола энди тушунди, кўзи очилди. Кўп нарсани бошидан ўтказди.

Барибир ундаги яхши хислатлар устун келмоқда. Гарчи у ҳозир ҳам жиноятчилар билан бирга бўлса-да, барибир ота-она тасаввурида Юрий бурунгидай мулойим, одобли болалигича қолганди.

Ота-она мақолани ўқир эканлар, кўзларининг оқу қораси, суянган тоғи, яккаю ягона ўғиллари Юранинг уйга ҳалол, пок, яхши одам бўлиб қайтишига ишонишарди.

Юранинг ота-онаси яхши, олижаноб одамлар эди, улар ёш тажрибасиз йигитнинг ҳаётда хато қилишини, қоқилишини, нотўғри қадам босишини, мураккаб, чигал нарсаларга ақли етмаслигини билишарди.

Юрий уларнинг бошига кўп ғам-ташвиш солди, лекин ҳар нима бўлганда ҳам фарзандда, уни яхши кўришарди.

Юрий Белецкий ўйлаганидек, ота-онаси мақолани олишлари биланоқ ишга тушиб кетишди. У ота-онасининг табиатини яхши биларди.

Хатни онасининг ўзи ёзди, кейин ҳамма тушки овқатга чиқиб кетганида машинкада бир амаллаб кўчириб чиқди. Машинисткадан илтимос қилиш ноқулай эди.

Кечқурун отаси хатни ўқиб чиқди-да, баъзи бир ўзгартиришлар киритди.

Юранинг меҳнатда қайта тарбияланганлиги ҳақидаги мақола ва унга қўшилган бу хат Юранинг ота-онасига анча ишончлидай туюлди.

Улар прокурорга ёзишди:

«Биз бир гуруҳ ижодий ходимлар, А. П. Белецкаянинг ўғли хусусида, Сизга илтимос билан мурожаат қиляпмиз.

Унинг ўғли Юрий Белецкий ўғриликда иштирок этгани учун бундан уч йил бурун шаҳар суди томонидан 8 йилга озодликдан маҳрум этилганди. Мана, унинг қамоқда ўтирганига ва онаси билан кўришмаганига 4 йилу, 5 ой бўлди.

Юрий Белецкий ўшанда ўн саккиз ёшда эди. Бизга маълум бўлишича, бу жиноятга уни ўртоқлари тортишган. Бор ҳужжатлардан кўриниб турибдики, йигит руҳий касалликка, ақлий қобилияти сусайиш дардига чалинган. Эҳтимол, у турма режимидан кўра даволанишга кўпроқ муҳтождир, бу ҳақда биз қатъий бир нарса деёлмаймиз.

Лекин, нима бўлганда ҳам, бизга шуниси равшанки, маданиятли, ўқимишли, ўзига тўқ ота-онанинг боласи ўғриликни ғаразли ниятда эмас, шўхлиги ёки жиннилиги туфайли қилиб қўйган.

Биз колония газетасида босилган, бошдан-оёқ Юрий Белецкийга бағишланган мақола билан танишиб чиқдик. Унда Белецкий тузалиш йўлига қатъий чиқиб олган киши сифатида таърифланади.

Биз она бошига тушган бу мусибатдан унинг қанчалик куяётганлигини, изтироб чекаётганини биламиз, бу эса унинг ижодий ишига ҳам таъсир этиши мумкин.

Биз — Белецкаянинг ҳамкасблари ана шу мулоҳазаларга асосланиб, Сизга мурожаат этиб, Юрийни муддатидан илгари қамоқдан озод қилишингизни илтимос қиламиз.

Биз ўғилларининг бундан буён ҳалол, тўғри яшаши учун ота-онаси қўлларидан келган ҳамма ишни қилишларига аминмиз».

Хатга ҳурматли, эътиборли кишилардан йигирмага яқини қўл қўйган эди.

Қўл қўйганларнинг баъзилари Юрий Белецкий ота-онаси бу хатда жиндек айёрлик ишлатишганини билишарди. Уларнинг ўғли ҳеч қандай руҳий касалликка чалинмаган эди, ақли-ҳуши ҳам жойида эди.

Руҳий касалликларни колонияда ушлаб турмайди (бу гап—шунчаки билиб қўйиш учун), кейин, бизга маълум бўлишича, соғлиғи ночор одамларни қутбчилар тайёрлайдиган курсларга олишмайди.

Тўғри, онасининг дардини тушуниш мумкин, ўғлини қутқариб қолиш учун она нималар қилмайди, нималарга бормайди. Лекин, шуниси қизиқки, Юрийни яхши билмайдиган одамлар қандай қилиб унинг учун илтимос қилишлари мумкин.

Нега энди улар, судья эътиборсизлик қилиб, баъзи бир нарсаларни ҳисобга олмаган, прокурор қаттиқ жазолаган, адвокат бўлса, бечора Юра Белецкийни яхши ҳимоя қилолмаган, деб ўйлашади?

Терговчи ҳам, судья ҳам ўз фаолиятининг моҳияти ва вазифасидан келиб чиқиб, жазони, ҳукмни енгиллаштиришга ёрдам берадиган ҳамма нарсани доимо ҳисобга олади, чунки бу ерда гап инсон тақдири ҳақида боради.

Мен ҳукм этилган йигитнинг онаси қўли билан ёзилган хатга имзо чеккан одамларни қораламоқчи, айбламоқчи эмасман. Она шунчалик ҳаракат қилганда, ҳеч нима қилолмайсан ҳам.

Жиноят қидирув бўлимида неча йиллардан буён ишлайман, шу йиллар ичида кўз ёшини жуда кўп кўрдим. Жиноят устида қўлга тушган ашаддий ўғрилар ҳам йиғлайди. Киссовур болалар ҳам йиғлашади, жабр кўрган, ҳақоратланган хотин-қизлар зор-зор йиғлашади. Лекин она кўз ёшларини кўриш жуда оғир...

Лекин, бари бир, борди-ю, мен ўша ижодий ходимлар ўрнида бўлсаму, мендан илтимос қилиб қолишса, хатга қўл қўймасдим. Бундай дейишимнинг сабаби, бу ишнинг оқибати нима билан тугашини билардим. Оқибати фожиали бўлди.

Юра Белецкийни муддатидан олдин бўшатишди. У тинч, енгил ишга ўрганиб олди. У Заполярье ҳақидаги ҳамма орзу-умидларини унутди. «Биз катта ерда ўзимизни анча эркин сезамиз, бу ер анча қулай, шинам,— дерди Юра болалик орзулари ҳақида гап кетгудек бўлса.— Мендан Амундсен чиқмади, лекин пуллик қутбни Москвада ҳам очса бўлади».

У ўзи орзу қилган қутбни очолмади, фақат бир уриниб кўрди. Лекин магазин кассаси жуда мустаҳкам, кассир эса унча-мунчани писанд қилмайдиган довюрак аёл экан, у Белецкийдан қўрқмади. Юрий чўнтагидан тўппончасини олиб, «Қўлингни кўтар!» деб буюришга мажбур бўлди.

У ҳар гал қандай ҳаракат қилишни биларди. Уни ҳеч ким ёмон йўлга бошлагани, унга ёмон таъсир кўрсатгани йўқ. Энди унинг ўзи ўғриликка битта бола билан қизни тортди. Юрий улар билан кўчада танишиб қолган эди. Юра улар учун «шўх, ҳазилкаш бир йигит» эди.

Бу ўғирликнинг ўзига яраша кичкина тарихи бор. Гап шундаки, ўша қиз заводда ишларди ва ўз цехининг ўзаро ёрдам кассаси унинг қўлида эди. Ҳалиги бола эса у билан яқин эди. Улар Юра Белецкийнинг ёрдамида, унинг «ёрдами» билан ўзаро ёрдам кассаси пулига ресторанда кайф-сафо қилиб ўтиришди.

Ўша куни кечқурунок Юра, уларга шундай деди:

— Агар билиб қолишса, қамалишимиз аниқ. Бунинг бир йўли бор...

Хуллас, ўғирликка улар уч киши бўлиб кетишди: бола, қиз ва плашининг ич чўнтагига тўппонча солиб олган ашаддий ўғри — Юра Белецкий.

* * *

Юра Белецкий ҳақида, унинг тўғри, ҳалол яшаётгани тўғрисида газетада яна мақола босилармикан, йўқмикан, бир неча ҳурматли, эътиборли одамлар қўл қўйган янги хат ёзилармикан —йўқмикан, буни билмадим.

О. АҲМАДЖОНОВ
таржимаси.

[Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида].

физкультура ва СПОРТ

• Қуйи физкультура коллективларида

Маҳорат сари

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида республика партия хўжалик активининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қабул қилган қарори асосида иш юритилмоқда.

— Жисмоний тарбия ва спорт ишларини юқори поғонага кўтариш учун кўп тадбирларни амалга оширяпмиз, — дейди институт жисмоний тарбия ва спорт кафедрасининг раҳбари, кекса педагог Наби Ҳамидов. — Яқинда шифокорлар масканида VI анъанавий спартакиада бўлиб ўтди. Унда студентлар спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, кураш каби ўн икки тури бўйича куч синашдилар. Энг яхши натижаларга эришган спортчиларимиз ректорат, партия ташкилоти ва комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари ва совринлари билан тақдирландилар.

Институтда билим олаётган бўлажак шифокорларнинг 2142 нафари жисмоний тарбия билан шуғулланади. 500 дан зиёд студент спорт секцияларидаги машғулотларда мунтазам иштирок этмоқда.

Билим даргоҳида ГТО комплексига норма топширишни яхшилаш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш мақсадида институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор С. А. Долимов раислигида махсус комиссия тузилган. Комиссия ГТО комплексига норма топшириш тадбирларини белгилаб беряпти. Комиссия йиғилишларида судьялар коллегиясини тасдиқлаш, Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишланган спорт байрамини ўтказиш ва ГТО кўп кураши бўйича мусобақалар ўтказиш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Институтда маҳоратли спортчилар талайгина. Спорт мастерлари штангачи А. Хўжаев, курашчи З. Абдуллаевлар бир неча бор мусобақаларда иштирок этишиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Спорт мастерлигига кандидат курашчилар Б. Пузалов, И. Отажонов, А. Беков, шахматчи Л. Семкина, самбочи И. Гадиқуловлар «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область совети терма командасининг аъзолари ҳисобланадилар.

Институт спортчилари спартакиадалар, студентларнинг спорт ҳафталикларида яхши натижаларни қўлга киритиб келяптилар. Жумладан, иттифоқимиздаги медицина ва фармацевтика олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтадиган зонал мусобақаларда институт терма командаси ҳам иштирок этади.

Билим даргоҳи шуҳратини оширишга катта ҳисса қўшган В. Милейко ҳозирги кунда «А» классида иштирок этаётган физкультура институти спорт клуби баскетболчилари қаторида тўп суриб республикамиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Институт спорт-соғломлаштириш лагери Бўстонлиқда жойлашган. Тўрт гектар майдонни ишғол қилган дам олиш зонасини дарахтзорлар қамраб олган. Бу ерда йилига 200-250 нафар студент ҳордиқ чиқаради. Лагерда қўшни лагерлар иштирокида спартакиадалар ўтказиб турилади.

Ётоқхоналарда ҳам спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Тажрибали педагоглар раҳбарлигида ётоқхоналараро спартакиадалар ўтказилиб турилади. Ғолиблар шаҳар спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Институтда туризм секцияси мавжуд. А. Могишчев ва Ю. Миенколар туристик юришлар ташкил қилишга раҳбарлик қилишади. Институтда бу йил 820 ГТО комплекси нишондори, 380 спорт судьяси ва жамоатчи инструктор, 130 оммавий ва 32 биринчи разрядли спортчи тайёрланади.

Институт физкультурачилари партия ва ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия, спорт ишларини янада ривожлантиришга кўрсатаётган ғамхўрлигига амалий жавоб бериш мақсадида барча куч ва воситаларини ишга солишмоқда. Уларнинг асосий мақсадлари оммавийликдан маҳорат сари дадил одим ташлашга қаратилган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

• ПАРАШЮТ СПОРТИ

МАСТЕРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Олти кун давомида Тошкент аэроклубининг учиш майдонида Ўрта Осиё ва Қозоғистон спортчиларининг «Оқ олтин» кубоги учун парашют спорти бўйича зонал мусобақалари бўлиб ўтди.

Мўлжалга аниқ тушиш бўйича баҳслар айниқса кескин вазиятда ўтди. Минг метр баландликдан сакраган парашютчилар махсус белгига энг яқин жойга тушиш учун ҳаракат қилдилар. Ғолиб фақат бешинчи марта сакрашдан кейингина аниқланди. Ўзбекистон биринчи командасининг вакили А. Головченко мўлжалга аниқ тушиб, Э. Искандеров ва жаҳон рекордчиси А. Асносларни ортда қолдириб кетди.

Р. АБДУРАЗЗОҚОВ.

СУРАТДА: А. Головченко мўлжалга аниқ тушаётган пайт.

Автор фотоси.

Ўсимликлар оламида

ЁРОНГУЛ

Ёронгул субтропик ўсимликлардан биридир. Ундан эфир мойи олинади. Ёронгулдан олинадиган эфир мойи атиргулнинг хушбўй ҳидли эфир мойидан қолишмайди. Унинг асли ватани Жанубий Африканинг Кап деган вилоятидадир. Ҳозирда бу ўсимлик кўп мамлакатларда, шу жумладан Ватанимизнинг Арманистон, Грузия, Молдавия, Украина, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида экилади.

Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган барча парфюмерия молларининг 80 проценти таркибида ёронгулнинг мойи ишлатилади. Ундан тери саноатида териларни ошлашда ҳам кенг қўлланилади. Чунки унинг барг ва ёш новдаларида 6—9 процент танид бор. Шунингдек, унинг ишлатиб бўлинган чиқиндиларидан органик ўғит ҳам тайёрланади.

Тошкент области шароитида ёронгул қаламчасидан кўпайтирилади. Қаламча тайёрлаш учун ажратилган ёронгул хушбўй ҳидли, бақувват ва серновда бўлиши керак.

●

БЎРИГУЛ

Бўригул ўсимлигини мингдан ортиқ ўтсимон ва дарахтсимон тури бўлиб, улар асосан Африкада ўсади. Ўрта Осиёда ўсадиган бўригулларнинг бўйи 40—50 сантиметр атрофида бўлади. Бўригул эрта баҳорда гўзал манзара кашф этади, март ойида кўкимтир бўлиб гуллайди.

Бу ажойиб ўсимликнинг шифобахш хоссаларини билган халқимиз илгаридан уни табобатда ишлатиб келишган. Бўригул турларидан бири бўлмиш винка минор халқ табобатчилигида ични қотиришда, қонни тўхтатишда, қон босимини пасайтиришда, айрим юрак ва безгак хасталикларини даволашда қўлланилган. Олимларимиз бўригулнинг илдизи, пояси ва баргларидан 45 га яқин турли алкалоидлар ажратиб олишган. Ўсимлик таркибидаги винканинг алкалоидидан Тошкент фармацевтика заводида «барвинкан» деган дори тайёрланади.

●

ЕРСОВУН

Тошкент атрофидаги адирларда, Самарқанднинг Нурота тоғлари ён бағирларида сариқ гулли бир ўсимлик ўсади. У кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, жисми хосиятига қараб ерсовун дейишади. Ерсовуннинг таркибида кўпик ҳосил қилувчи — сапонин моддаси бор. Ўсимликнинг меваси пахта чаноғига ўхшаш бўлиб, унинг туганаги илгари совун сифатида ишлатилган. Ерсовуннинг барглари майда, райҳонникига ўхшаш лекин сийракроқ бўлади.

Ерсовун заҳарли ўсимлик ҳисобланади. Қадимда халқ табобатида уни қовуқдаги тошни эритиш, ички аъзоларни даволаш ва бошқа касалликларни даф этишда ишлатишган. Ерсовунда гликозид моддаси борлиги унинг шифобахшлигини оширади, бу модда атеросклерозни даволашда кенг қўлланилади.

Ерсовун жой танламай, тоғ ён бағирларидаги бўш жойларда ўсаверади.

Т. АШРАПОВ.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида янги болалар боғчаси очилди. Икки қаватли бинода кенг ўйинхоналар, шинам ётоқхона, ошхоналар жойлашган. Ёз фаслида эса кичкинтойлар катта боғда ўйнайдилар.

(ЎзТАГ).

• Сўраган экансиз...

ЁҒОЧНИНГ БЎШИНИ ҚУРТ ЕЙДИМИ?

Ҳурматли редакция! Уйимиздаги синчларни қандайдир майда куртлар еб, кукун туширади. Мана шу куртларни қандай қилиб йўқотиш мумкин, шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

М. ИСМОИЛОВ.

Тошкентнинг Боғобод кўчасида истиқомат қилувчи.

Ёғочни одатда замбуруғлар чиритади, чунки улар ёғочдаги моддалар билан озиқланади. Ёғочнинг орасига ва пўстлоғига кириб олган қуртларни қиришда заҳарли химиявий моддалардан фойдаланилади. Бундай заҳарли моддалар орасида энг кўп ишлатиладигани — натрий фторид ва натрий кремнефториддир. Бу моддалар замбуруғларга ҳалокатли таъсир қилади.

Натрий фторид оқ ёки оч кул рангли ҳидсиз порошок. У темир ва ёғочни чиритмайди, бўёғини кўчирмайди. Нам ёғочга тез сингади, сувда тез эримайди.

Ёғочларни дорилашда натрий фториднинг 3—5 процентли сувли эритмаси ишлатилади. Ёғочга сингдирилган натрий фторид сув, оҳак, бўр, сувоқ таъсирида ўз хусусиятини йўқотади. Шунинг учун унинг таъсирини узоқ вақтгача сақлаш учун қуруқ ёғоч вазнига нисбатан 0.4—0.6 процент қилиб тайёрланган эритмасидан фойдаланиш керак. У одатда бирон ишқор билан қўшиб ишлатилади, бу бевосита натрий фторидни ишлатгандан кўра ҳам арзон, ҳам қулай бўлади.

Уй шароитида иморатнинг ёғоч қисмларини дорилашда қўл насоси билан пуркаш ёки чўтка билан суркаш тавсия этилади. Орада бир-тўрт соат ўтгач, суркаш яна такрорланади. Агар эритмага анилин бўёғи қўшилса, дори бир текисда суркалаётгани билиниб туради. Узунасига ётқизилган ёғочларга дорини қуруқ ҳолда сепган маъқул.

Эритмалар қуйидагича тайёрланади. 1/. Натрий фторидли эритма—3 процент фторид ва 0.05 процент анилин бўёғи олиниб, 97 процент сувга солиб аралаштирилади, сўнг 90-95 даража иссиқликда бир ярим-икки соат қайнатилади. 2/ Натрий кремнефториддан 2—24 процент, кальцинацияланган содадан 2.9 процент, бўёқ моддадан 0.05 процент олиб, 95 процент сувда қайнатилади. 3/. Натрий кремнефториддан — 2 — 24 процент, кальцинацияланган содадан 2.9 процент, бўёқ моддадан 0.05 процент олиб, 94,86 процент сувда қайнатилади.

Булардан ташқари, ёғочни замбуруғдан сақлаш учун органик антисептиклар, масалан тошкўмир мойи, тошкўмир креозот мойи ва бошқа хил моддалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу дориларни хўжалик буюмлари сотиладиган магазинлардан ҳамда ёғочсозлик корхоналаридан топиш мумкин.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

ИВАНОВО. Бу ерда очилган кўргазма тўқимачилар ўлкаси рассомларининг ижоди билан таништиради. Беш юздан ортиқ асар намойиш этилган экспозицияда РСФСР халқ рассоми М. Малютин чизган меҳнат аҳли портретлари, республикада хизмат кўрсатган рассом Е. Грибовнинг график асарлари ва бошқа асарлар бор. Виставка Россияда биринчи ишчи депутатлари советининг ташкил этилганлигига бағишланган «Қизил чиннигул» санъат фестивали муносабати билан уюштирилди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

---

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

Ёшлик

«Ё Ш Л И К»
МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Пиковая дама** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **—Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастроллари, ХОККЕЙЧИ АЙИҚЛАР** (19.30).

КИНО

8 ИЮНДА

Севги туфайли — Ғ. ҒУЛОМ номли (17, 20.00).

Гайдуклар шарафи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Олтин камар — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

9 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Елғончи — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20.30), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 20.00).

Гайдуклар шарафи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Маринка, Янка ва Қирол қасрининг сири — «ХИВА» (20.45).

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР

УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ ЙИЛИ ТУГАБ ЁЗГИ КАНИКУЛЛАР БОШЛАНДИ.

Пионер лагерлари ўқувчи болалар билан гавжум. Улар туристик поход ва қизиқарли экскурсияларга борадилар.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР! Болалар учун енгил, қулай ва пишиқ пойафзаллар тоза ҳавода ўйнашлари учун жуда зарурдир.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПОЙАФЗАЛ БИРЛАШМАЛАРИДА

мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЁЗГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ

ШАҲАР МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПОЙАФЗАЛЛАРИ «ЎЗОБУВЬТОРГ» УЛГУРЖИ БАЗАСИНИНГ ОМБОРЛАРИДА БОР.

«ЎЗОБУВЬТОРГ» республика улгуржи конторaси.

«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал токарь. 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати— 1 йил.

Программалаштирилган станоклар оператори. 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

Механика-йиғув ишлари слесари. 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати— 1 ва 3 йил.

Асбобсоз-слесарь. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш муддати— 1 ва 3 йил.

Дипломли газ-электр пайвандчи. Ўқиш муддати 16 ёшлилар учун 2 йил, 15 ёшлилар учун 3 йил.

Электр пайвандчи. Ўқиш муддати 1 йил. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Электр кўтарма кранлари машинисти. 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари стипендия тўланади.

Дурадгор-моделчи. Ўқиш муддати 3 йил. 15 ёшдан қабул қилинади.

Пресслаш асбоб-ускуналари оператори. Ўқиш муддати 1 йил. 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари стипендия тўланади. Бу соҳага кўпроқ қизлар қабул қлинади.

Қолипловчи-штамповкачилар. Ўқиш муддати 1 йил, 18 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Машина ва механизмлар ремонти слесари. Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Билим юртига 8— 10 синф маълумотига эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш давомида 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижоди тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, жумладан, эстрада, духовой, миллий чолғу асбоблари ансамбли мавжуд.

Спорт секцияларининг 11 тури ишлаб турибди.

Ўқувчилар ёзги каникулда «Чимён» спорт-соғломлаштириш лагерида дам оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинади.

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома ёки аттестат, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 52, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбус, 21-автобуснинг «Экскаватор заводи», 3, 23, 22, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта» балетига ёзилган куйлар. 19.25 «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 «Ҳаммамиз аҳил оиламиз». Музикали программа. Таллиндан олиб кўрсатилади. 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Кичик чизмакаш». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Михайловское қишлоғида XII Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 23.30 «Япон манзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

19.25 Москва. «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 Бир актер театри. А. С. Пушкин. «Боғчасарой фонтани». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Хайтарма» татар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг ҳисобот концерти («Баҳор» концерт залидан трансляция вақтида ёзиб олинган). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

9 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан оламида». 19.20 В. Моцарт. Ре мажор сонатаси. Халқаро конкурслар лауреати В. Крайнев ижро этади. 19.35 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар программаси. «Ленин Прагада», «Партиянинг Иккинчи съезди ҳақида ҳикоя». 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. «Бош конструктор». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 П. И. Чайковский номли VI халқаро конкурснинг тантанали очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун концерт. «Шаҳзода ва гадо». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Иранинг кундалиги». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 18.45 «Ишлаб чиқариш резервлари — беш йилликка». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Чечен-Ингуш тоғларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Экранда — кинокомедия». «Осмон қалити». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р.07636. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1329.